230496

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

Бугун мамлакатда футбол миллий чемпионатининг байроғи бешинчи марта кўтарилади

Орзиқиб кутилган дамлар бошланмоқда. Мухлислар ўйингоҳларни соғинишган. Қизғин баҳсларга бой ва кутилмаган тасодифлар билан ўтувчи ўйинларни олқишлаб, баралла ҳайқиришга, севимли командасини қўллаб-қувватлашга шайланган ашаддий мухлислар учун бугун катта байрам. Умуман, катта футбол бу йил ўзгача шароит ва ўзгача тамойилда бошланиши кўзда тутилмоқда. Боиси, футболимиз довруғини ошириш йўлида тарихий ҳужжат қабул қилиндики, миллионлар севган ўйин яқин келажакда жаҳон андозаларига мос бўлиши умидворлик уйғотмоқда. Биз футбол байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг бош котиби Зокиржон Қурбоновга мурожаат этдик.

— Дарвоқе, футболимиз ўзига хос кўтарилишни бошдан кечирмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига уч ойдан ошди. Зеро, бу қисқа даврда муҳим ишлар амалга оширилди. Футбол мавсумининг қарийб бир ойга кечиктирилгани ҳам мазкур қарорни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир. Боиси, мавсумга тайёргарликни тобига етказиш, ўйингоҳларни халқаро талабларга мос равишда таъмирлаш лозим эди.

Аммо мухлисларни зериктириб қўймаслик йўлида изландик. Ўзбекистон кубоги учун дастлабки учрашувларни барвақт бошлашга тўғри келди. Биллур соврин учун курашнинг чорак финалигача бўлган ўйинларда футболчилар маҳоратларини оширишга, имкониятларини юзага чиқаришга интилдилар. Маълумки, олий лига жамоалари бу йил 16 нафар бўлиб, чемпионлик учун курашади. Бугун мамлакатимиз 7 шаҳрида дастлабки тур ўйинлари бўлади. Душанба кунидан эса футболимиз ўринбосарлари ҳисобланган биринчи лига жамоалари майдонга тушадилар. Уларнинг сафи бу гал 26 тага етказилган.

Ниятимиз холис, бутун ҳаракатимиз футболни, аниқроғи ҳар бир учрашувни байрамона ўтказишга эришишдан иборат. Ишқибозларнинг зерикиб қолмасликлари учун турли чора-тадбирлар кўрилади. Уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек бўлади. Айтайлик севимли санъаткорлару хонандаларнинг, қизиқчию аскиячиларнинг учрашув олдидан чиқишлари кўпчиликнинг кайфиятини кўтаради, деган умиддамиз. Вилоят марказларидаги ўйингоҳларда шунингдек, лотерея ўйинларини ташкил этишга ҳам рухсат этилди. Мухбирлар учун шароитлар бўлади. Улар эндиликда телефон ва факслардан фойдаланишлари, махсус монитор орқали ўйинни кузатишлари мумкин.

— Футболимизнинг халқаро миқёслари, миллий ва олимпия терма жамоаларининг аҳволи ҳақида ҳам сўзласангиз?

— Биз футболимизни ривожлантириш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар қилмайлик, унинг натижаси терма жамоаларимизнинг халқаро майдонда эришган муваффақиятида ўз аксини топиши табиий. Шу боис, терма жамоаларимизга шароитлар яратиш, моҳир футболчилар ҳисобига сафларини бойитиш, етук ва билимдон устозларни бош бўлишга эришиш борасида изланяпмиз. Хусусан, Ўзбекистон миллий терма жамоасига собиқ пахтакорчи, тажрибали футболчи Баҳодир Иброҳимов бош тренер қилиб тайинланди.

Александр Иванков билан Рустам Мирсоатовлар унга ёрдам беришади. Олимпия терма жамоасига эса бундан буён Самарқанд динамочиларининг бош тренери Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мухлислар республика миллий терма жамоасини Осиё кубоги учун дастлабки учрашувда Бахрайн футболчилари билан майдонга тушишини кутишган эди. Афсуски, Бахрайн томони Осиё футбол конфедерациясига мурожаат этиб, Тожикистондаги нотинчлик муносабати билан учрашувларда иштирок этолмасликларини маълум қилди. Шундай қилиб, терма жамоамиз биринчи учрашувни 8 май куни Тожикистонда, 19 июнда эса Тошкентда Тожикистон футболчилари билан ўзаро учрашадиган бўлди.

— Футболга бағишланган қарорга мувофиқ жамоаларда клубларни тузиш, низом ва уставларни тасдиқлаш, ўзига хос жамғармаларни белгилаш масалалари кўзда тутилган эди. Бу борадаги ҳаракатлардан кўнглингиз тўқми?

— Аввало, шуни айтиш керакки, қарор мукаммал ва мухтасар. Унинг шарофати ва муваффақияти эса бир неча йиллардан кейин кўзга ташланиши мумкин. Лекин футболимиз довруғини ошириш учун бугундан ўзига хос пойдевор қўйилмоқда. Футбол клублари тузилган. Низом ва устав тасдиқланган. Ҳар бир жамоа ҳисобида камида 30 миллион сўм жамғарма бўлиши зарур деб топилди. Биринчи лига жамоаларига бу сармоя 15 миллион қилиб белгиланди. Албатта, бу маблағни тўхтатиб туриш ярамайди. Аксинча уни айлантириш, тасарруф этиш ва бойитиш лозим. Шунга эришиш керакки, ҳар бир жамоа ўз харажатларини ўзи қоплайдиган бўлсин.

Барча ўйингоҳлар таъмирлаб бўлинди, дейиш мумкин. Фақат пахтакорчилар дастлабки ўйинларни қадрдон ўйингоҳларида ўтказолмайдилар. «Пахтакор» мухлислари чемпионатнинг биринчи давраси мобайнида МҲСК ўйингоҳига борадилар. Сабаби, «Пахтакор» ўйингоҳини таъмирлаш давом этмоқда. «Наврўз», «Спартак», «Жиззах», «Динамо», «Гулистон», «Алпомиш», «Меҳнат» ўйингоҳлари мавсумга тахт қилиб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, футбол мавсумини ҳар қачонгидан кўра яхши тайёргарлик билан бошлаш учун шароит бор, дейиш мумкин. Битта истак, у ҳам булса мухлислар ўйингоҳларга кўпроқ келишса, ишқибозлик одобига риоя қилиб, ўзларининг севган командаларини олқишлашса, футболчиларга зўр мадад бўларди.

Суҳбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ.

Ислом КАРИМОВ:

«Футбол соғлом авлодни тарбиялашга, халқнинг руҳини кўтаришга, ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши лозим...

Ўзбекистон бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ўз мавқеи ва нуфузига эга. Унинг сиёсий, иқтисодий обрўси тобора ортиб бормоқда. Агар биз футболни, қолаверса, бутун спортни талаб даражасида ривожлантирсак, бу юртимизнинг эътиборини янада оширади. Дунё аҳли олдида миллатимизнинг куч-қудратини намойиш этади».

БУГУН МАЙДОНГА ТУШАДИЛАР

«Атласчи» — «Нефтчи», «Нурафшон» — «Машъал», «Динамо»(У) — МҲСК, «Пахтакор» — «Динамо»(С), «Косонсой» — «Наврўз», АСК — «Сўғдиёна», «Навбаҳор» — «Трактор».

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 20 апрель, шанба № 48 (21.969).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент,

Ўзбекистонга қилган ташрифимиз пайтида Сиз менга, рафиқамга ҳамда мен раҳбарлик қилган делегацияга кўрсатган меҳмондўстлик учун астойдил миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мен Узбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи ҳақидаги очиқ ва самарали фикр алмашувимизни юксак баҳолайман ҳамда бу борада яқин орада жиддий ютуқларга эришишимизга ишончим комил. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим — умид қиламанки, у апрель ойининг охирида қўшма комиссия мажлисида тасдиқланади — ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкамланиши учун зарур асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, мен Сизнинг гўзал тарихий шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорога қилган энг қизиқарли ва таассуротларга бой сафаримизда ҳамроҳ бўлганингиз учун ҳам миннатдорчилик билдираман. Бу сафар бизда мамлакатингиз ва халқингизнинг ноёб тарихи ва маданияти ҳақида ёрқин таассурот қолдирди. Мазкур сафар шунингдек Сизнинг Узбекистоннинг қўшнилари, Европа ва бутун дунё билан муносабатларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши учун қилаётган хизматларингиз ҳақидаги тасаввуримизни ҳам бойитди.

Ўзбекистонга қилажак янги сафаримни сабрсизлик билан кутиб, Сизга камоли эҳтиром ила,

ХАНС ВАН ДЕН БРУК,
Европа ҳамжамиятлари комиссияси комиссари.

Қизлар чеҳрасида баҳор қувончи.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Муносабат

КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ ВАТАН

Ушанда «Август фитнаси» фош этилган бўлса-да, Марказ раҳбариятининг нуфузи ва сиёсий иродаси заифлашганига қарамасдан собиқ СССРдек улкан давлат мавжуд эди. Ана шундай қалтис бир шароитда давлат мустақиллиги, миллат эрки, мамлакат тақдирини теран ҳис этган ҳолда, миллионлаб ўзбеклар ва юртимиздаги қардош халқлар вакилларини қизил салтанат зулмидан озод этиш сари дадил қадам қўйилди.

Мустақиллик шарофатила Ўзбекистон халқи биринчи марта юқоридагиларнинг маслаҳатисиз муқобиллик асосида ўз Президентини сайлаш имкониятига эга бўлди. Баҳамжиҳат халқ И. А. Каримовни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайлади. Айни шу тарихий воқеа халқимизнинг юксак ишончи ифодаси эди...

Аммо мустақилликка эришилгунча Ўзбекистон қай кунларни бошидан кечирмади. Миллатнинг энг асл фарзандлари — эрк ва истиқлол истаганлар йўқ қилинди. 20-30-йилларда босмачилар, «қулоқлар», 80-йилларда эса «ўзбеклар иши» деб аталган қатағонлар уюштирилди.

Шўролар тузуми халқнинг сиёсий, иқтисодий, маданий манфаатлари йўлида эмас, балки ўз даврининг манфаатларига хизмат қилар эди. Икки карра икки беш бўлади, дейишга мажбурлаш, ҳасад, зўравонлик, сотқинлик тарғиб этилиб миллатларнинг ҳуқуқлари оёғ ости қилинган эди. Натижада аҳоли онгида боқимандалик кайфияти шакланди. Камина бу борада Президентимизнинг одил сўзларини эсладим: «Таркиб топган сохта социалистик тамойиллар ҳаётда ёлғондакам ижтимоий адолат меъёрларини қарор топтиради. Бу меъёрлар боқимандаликни, ижтимоий ҳаёт ва меҳнат соҳаларида лоқайдликни, иқтисодий масъулиятсизликни туғдирадиган асоссиз тенглаштиришни англатар эди».

Шу сабабдан ҳам 1991-1993 йилларда эски тузумдан манфаатдор бўлган айрим мансабдор шахслар халқ таниша бошлаган демократик тараққиёт йўлига тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар.

Ўтмишни қўмсаганлар собиқ Иттифоқнинг парчаланишига Россия ва Белорусь раҳбарлари Беловежда имзолаган битимни рўкач қилиб олиб мустақил давлатларнинг ўз-ўзидан юзага келганлигини айтишмоқда. Бундай мулоҳазалар замирида Ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг хоҳиш-истагига зид ўлароқ уч словак давлатнинг раҳбарлари иштирокида, халқ билан маслаҳатлашмай имзоланган битим қонун кучига эгамас, СССР ноқонуний тарқатиб юборилган деган ишора ётади.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат истиқлолини 1991 йил 31 августда эълон қилди. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, 1991 йилнинг 8 декабрида «Иттифоқ» масаласи ҳал қилиниб, унинг батамом барҳам топгани тўғрисида якуний қарор қабул қилинган эди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Иттифоқнинг ўзи сўнгги ўн йил давомида, фақат пахта ва олтинни ҳисоблаганда, Ўзбекистондан 15 миллиард доллар қийматга тенг бойликни олиб кетган. Юртбошимиз мазкур рақамни келтира туриб, шундай ҳақли савол берган эдилар. Хўш, ана шу 15 миллиард доллар эвазига «марказ» Ўзбекистонга нима берди? Дарҳақиқат, бойликларимиз эвазига хўрлик ва зулм ўтказди, халқни алдаб хонавайрон қилди, холос!

Халқимизнинг буюк тарихий маданиятини, бой ва кўркам тарихини камситишга, жаҳон фани ва маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюк олимларимиз ва адибларимизнинг муборак номларини буткул йўқ қилишга уриниб келдилар. Тарихан бизни саводсиз, қашшоқ халқ сифатида кўрсатишни сиёсий мақсад қилиб олингани ҳатто қўшиқларда, шеърларда кўринади. Улуғ давлатчилик сиёсати ва унинг намоёндалари, улар чор Россияси амалдорлари ёхуд коммунистик тузум пешволари бўлишларидан қатъи назар, бирон бир мажлис ё йиғин бўлмасин, «рус тили бу — Ленин тилидир, унда гапиришдан тонсанг миллатчи саналасан, сен рус тилини ҳурмат қилмайсан» деган маломат тошларини отишдан ҳам тоймадилар. Ёдимизга олайлик, шеърият мулкини забт этган, мамлакатни якқалам айлаган Ҳазрат Алишер Навоий тили эмасмиди?! Жаҳон маданиятига кўркам ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бундан беш юз йил илгари она тилимизда ёзилган «Бобурнома» эсдаликларининг тили эмасмиди? Лекин, бу ҳақиқатни ҳеч бир кимса айтишга журъат эта олмасди.

Агар тарихга назар ташласак, манзара аён бўлади. Марказий Осиё энг қадимги маданият ўлкаси бўлган ва давлатчилик маданияти бундан 2500 йил муқаддам, Россиядан эса роппа-роса 1100 йил илгари қарор топганди.

Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар азалдан табиий, иқтисодий, маданий ва жойлашиш нуқтаи назаридан, мавжуд шарт-шароитлар, имкониятлар даражасида ривожланган бўлса, Россия давлатининг ривожланиши эса Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг турли давлатчилик маданиятидан ўзига хос ранг олган.

Россия давлати асосан XVII асрда ривожлана бошлади. У ўз сиёсий ва иқтисодий мақсадларини кўзлаб, қўшни мамлакатларни талончилик йўли билан босиб олиш сиёсатини олға сурди. Ўз тараққиётига, равнақига ташқи омиллар ҳисобига эришди.

Маълумки, юртимиз чор Россияси мустамлакасига айлангунга қадар ҳам халқимиз иқтисодиётни юритиш илмини яхши билган. Халқ бошқалардан ёмон яшамаган. Бунга мисол тариқасида деҳқончилик, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини, савдо йўллари маданиятини келтиришимиз мумкин. Собиқ Иттифоқ даврида барча бойликларни тўплаш ва тақсимлаш бошида «улуғ оғамиз» турган ҳамда унинг кўрсатмалари сўзсиз бажарилган эди.

Тўғри, бугун ҳам Россиянинг айрим тоифаларидаги сиёсатчилари, аниқроғи коммунистлардан сайланган Зюганов ва миллатчи либераллар пешвоси Владимир Жириновский кабилар собиқ Иттифоқни тиклаш мақсадида юргани ҳеч кимга сир эмас. Россия думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариши ё Белоруссия Президенти А.Г.Лукашенконинг муносабатларини баҳолаш қийин эмас. Бунда битта мақсад ётибди. Ҳамжамият ёки иттифоқ орқали янги мустақил давлатларни ўз истиқлолидан маҳрум қилишдир. Бугунги кунда юқоридаги масалани Россия ва Белоруссия Президенти томонидан кўтарилишининг асосий сабаби Россия бозор муносабатларига ўтишни фалаж ҳолатдан бошлаганлигидадир. Белоруссия Республикаси танлаган йўл эса натижа бермади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий барқарорлаштириш йўлларини босқичма-босқич амалга оширишга, яъни янгисини қурмай туриб, эскисини бузмасликка эътибор берди. Шу йўлда ўз эзгу мақсадларини амалга оширмоқда.

Бундан неча минг йиллар илгари қарор топган ўзбек давлатчилигида янги босқич бошланди. Мустақиллик шарофатидан бизни бошқалар танимоқда, миллий қадриятларимизни, илму фан, маданият тараққиётига қўшган мислсиз хизматларимизни ўзимиз ҳам англамоқдамиз. Кўплаб мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, маданий алоқалар ўрнатилмоқда. БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлдик.

Ватанимизнинг ор-номуси ҳар бир ўзбек фарзандининг ор-номусидир. Мустақиллигимизга чангал соладиган ҳар бир шум ниятга қарши шу Ватанни обод қилишмиз, тупроғини тутиё қилишимиз, гўзал табиатини асрашимиз зарур. Шундай қилсак, ўтган аждодлар руҳини шод, дўстларимиз кўнглини обод, келажак авлодларнинг мукаммал тараққиёт ва маънавият йўлини бунёд этган бўламиз.

Нозим АШУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Ислоҳот ва одамлар

ЯНГИЛАНИШ МАНЗИЛЛАРИ

Зомин тумани меҳнаткашлари иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд куч ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўлларини қидирмоқдалар. Бу борада мамлакатимиз Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида жойларда изчил амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, юртбошимизнинг тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги кўрсатмаларига асосан ўтган йилнинг ўзида 258 хусусий тадбиркор руйхатдан ўтказилди.

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий эътиборда турибди. Туман «Тадбиркорбанк» бўлими томонидан ўтган йили тадбиркорларга 1 миллион 265 минг сўмлик кредит қарзлари берилди. 5 та кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорга республика «Мадад» суғурта агентлиги орқали 3 миллион 150 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Айни дамда кичик ва хусусий корхоналар 291 тага, деҳқон (фермер) хўжаликлари 275 тага етди. Хусусий тадбиркорлар турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, ички бозоримизни тўлдириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Кичик корхоналар қуриш ва уни ишга тушириш туман иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Янгиҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 900 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга кичик завод қурилмоқда. Экологик жиҳатдан тоза булоқ сувларидан бир кеча-кундузда 100 деколитр яхна ва шарбатли ичимликлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишга туширилди. Ўтган йили ишга тушган Зомин дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси туман иқтисодиётига 4,5 миллион сўм фойда келтирди. Республика Миллий банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 5 миллион долларлик кредитлари асосида йилига 5 минг тонна помидорни қайта ишлайдиган корхона, Германиянинг «Астекс» фирмаси билан ҳамкорликда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган 3 та цехни ишга тушириш ҳал этилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодиётдаги силжишларнинг бош омили бўлмоқда. Ҳозир тумандаги 85 фоиз корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Мулкнинг нодавлат шаклига ўтиши қишлоқ хўжалигида ҳам жадаллашмоқда. Туман пахтачилик хўжаликларидаги 26 та ширкат деҳқон (фермер) хўжаликларига айлантирилди.

Ғаллачилик туман иқтисодиётида алоҳида урин эгаллайди. Юртбошимизнинг мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлаш борасидаги кўрсатмалари изчил бажарилмоқда. Жорий йилда қарийб 40 минг гектар майдонга ғалла экилди. Туман ғаллакорлари 62 минг тонна ғалла ишлаб чиқариб, давлатга 34,2 минг тонна дон сотишни режалаштирган. Ғалла мустақиллигини таъминлашга деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Агар улар ихтиёрига 5 минг 40 гектар ер ажратилганини ҳисобга олсак, 2974 гектарига ғалла экилди. Бу дон хирмонини юксалтириш имконини беради.

Туманда мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжалик ва тадбиркорлар халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу борада пахтакор ва чорвадорлар ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, жорий йилда зиммаларидаги топшириқни бажариш учун етарли замин ҳозирламоқдалар.

Зомин — қадимий ва кўҳна юрт. Унинг тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Айни пайтда туман ташкил этилганлигининг 70 йиллиги нишонланиш арафасида. Ана шу сана шарафига миллий меъморчилик асосида шарқона усулда қатор қурилишлар барпо этилмоқда. Ўтган йили мулк эгалари, тадбиркорларнинг шахсий маблағи ҳисобидан бу соҳада 5 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Қисқа муддатда туман марказининг ўзида 20 та хизмат кўрсатиш масканлари ишга туширилди.

— Халқ хўжалигининг барча соҳасида иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ёрқин самарасини бермоқда, — дейди туман ҳокими Шуҳрат Абдуғаниев. — Иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизнинг янгиланиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишини таъминлаяпти. Юртбошимиз айтганидек, мамлакатимизда мулкдорлар синфининг юзага келаётганлиги қувончли ҳолдир. Ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотнинг ойдин шуъласи йўлимизни ёритиб турибди. Бу шуъла эртанги кунимизнинг янада ёрқин бўлишини тасдиқлаб турибди. Биз танлаган йўл истиқлол ва ҳақиқат йўлидир.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
Жиззах вилояти.

Депутат минбари

ХАЛҚ ОРАСИДА БЎЛИШ—ИШНИНГ БАРАКАСИДИР

Суҳбатдош ҳақида қисқа сўз.

Мухторжон Отабоев 1953 йилда деҳқон оиласида туғилган. Институтда ўқиди. Мактабда ўқитувчилик қилди. Жамоа хўжалигида, туман партия ва ижроия қўмиталарида, туман ҳокимлигида масъул вазифаларда ишлади. Ўзбекистон халқ демократик партияси Шаҳрихон тумани кенгашининг биринчи котиби, 39-Юқори Шаҳрихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

Эл ишончига сазовор бўлган Мухторжон Отабоев билан кўришганда депутатлик масъулияти, унинг парламентдаги фаолияти ҳақида сўз очдик.

— Мухторжон ака, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида халқ хизматига бел боғлаганингизга ҳам бир йилдан ошди. Мана шу давр ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— Мустақил мамлакатимиз парламентида қонунчилик тизимини яратувчилар қаторида бўлиш насиб этганига шукр қилиб айтаманки, депутатликнинг биринчи йили жуда таассуротларга бой, самарали ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бу даврда ўтган тўртта сессияси мен учун шунча ҳаётий имтиҳон бўлди. Парламентда қабул қилинадиган қонунлар устида жиддий фикр юритишга тўғри келди. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун қисқа муддат эмас, бир неча ўн йилликлар давомида эл манфаатини ҳимоя этиб, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган даражада ҳаётий, пишиқ-пухта бўлиши учун барча депутатлар сингари жон қуйдирдим. Қатор қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этишда қатнашдим. Амалдаги қонунларнинг бажарилишини назорати бўйича мулоҳазаларимни тегишли қўмиталарга билдирдим. Хусусан, «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги, «Меҳнат кодекси», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаларига доир таклифларимни ёзма равишда етказдим. Бунда туманимиз ҳудудидаги ташкилот ва жамоаларда ишлаётган соҳа вакиллари билан ўтказган мулоқотларим асқотди.

Ўзим аъзо бўлган қўмита йиғилишида «Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида қатнашдим. Ушбу лойиҳага муносабатимни билдирдим. Қўмитанинг бу йилги иш режасига кўра «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини депутат, қўмита аъзоси Бектор Шоназаров билан кўриб чиқиш топширилган эди. Бу қонуннинг Андижон вилоятида бажарилишини кўришга киришдим. Зиммамдаги вазифани ўрганишда шу иш билан шуғулланаётган мутахассислар ҳамда аҳолининг холис хулосаларидан фойдаланишга ҳаракат қиляпман.

— Сайловчилар билан тез-тез кўришиб турасизми?

— Албатта. Аҳоли гавжум яшайдиган гузар, маҳаллаларда, мактаб-боғчаларда, меҳнат жамоаларида айтарли ҳар куни бўлиб тураман. Сайловчилар билан иш жойимда, жамоаларда ўтказилаётган тадбирларда кўришаман. Олдиндан белгиланган иш тартиби асосида жойларда фуқароларни қабул қиламан. Қабул вақти мен учун эмас, кўпроқ келувчилар учун қулай пайтда бўлишига ҳаракат қиламан.

Ҳар бир сессия олдидан партия фаоллари, сайловчилар билан суҳбатлашаман. Қайтгач, таассуротларимни айтиб беришга вақт топаман.

1995 йил июль ойида жойларда сайловчиларга депутатлик фаолиятим юзасидан ҳисобот бердим. Ҳозир ҳам долзарб ишлар кўп. Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги қарори асоссиз эканини, ундаги мўлжалланган мақсад-моҳиятни кўпчиликка тушинтиришда фаол қатнашяпман. Кўпчилик билан бўлган суҳбатларда юртдошларимиз истиқлол буюк неъмат эканлигини жуда яхши англаётганликларининг шоҳидимиз. Халқимизнинг она-Ватанга садоқати, фидойилиги яққол кўринмоқда.

— Кўпчилик билан ҳамнафас эксансиз. Одамларга маънавий кўмак бераётганингизни ҳам билдик. Шундай пайтларда нималарни ўйлайсиз?

— Одамларнинг оғирини енгил қилганимда, уларнинг миннатдорлиги, сидқидилдан айтган раҳматлари улуғ бир мукофотдек қувонтиради. Баъзан айрим муаммоли масалаларни тезда ҳал этолмаганимдан хижолат тортаман. Депутатлик мартаба эмас, халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этувчи ўзига хос масъулият экани кўнглимдан ўтади.

— Партиявий, депутатлик фаолиятингизда кўпроқ кимларга суянасиз?

— Партиядошларимга. Қишлоқларнинг назаркарда кишиларига. Улар билан кўришганимда кўп маънавий озиқ оламан. Уларнинг айтганлари мусаффо булоқ сувлари мисол кўнгилларга ором беради.

Депутатлик фаолиятимда туманимиз ҳокимининг амалий, холис кўмагини доимо қадрлайман. Шаҳрихондаги муаммоларнинг ечимини топишда собитлик кўрсатаётган Муҳаммаджон Раззоқовнинг раҳбар сифатида тез, таъсирли тўғри йўлни танлай билишига ҳар доим ҳавас билан қарайман. Ҳокимлик ва «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик компанияси раиси Нормат Эрметов, Фарғона бўлими бошлиғи Мирмуҳсин Мирҳамзаевларнинг яқиндан берган ёрдамлари билан «Шаҳрихон—Хонобод» йўналишида йўловчи ташувчи поезд қатнаши учун шароит яратилди. Бугун-эрта бу қулайликдан аҳоли баҳраманд бўлади. Мана шу биргина мисолда ҳам ҳамжиҳат, ҳамкор ишлашнинг самараси намоён бўлмоқда.

— Мухторжон ака, турмушимизда қонунлар устуворлиги учун ҳаракат қиляпмиз. Шу йўналишдаги қандай ишлардан қаноатланасиз, қайсиларидан кўнглингиз тўлмайди?

— Тўғри танланган йўл қувонтиради. Юртбошимиз ҳуқуқий давлатнинг асоси қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш эканлигини доимо таъкидлайдилар. Очиғини айтсам, ҳозирча ҳуқуқий билимларимизнинг етарли эмаслиги сезилиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан ишловчиларга қонунлар ҳақида маълумот бериш, кишиларни истиқомат жойларида ўқитишни ташкил этиш тарафдориман. Бу ҳақда Олий Мажлис IV сессиясида ёзма мурожаат қилдим. Таклифим қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида ўрганилаётганидан хабардор этишди.

— Парламентнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидаги фаолиятингиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Марҳамат. Президентимиз иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш мақсадида мулкдорлар синфининг таркиб топиши, қишлоққа саноатни олиб кириш сиёсатини амалга оширмоқда. Қишлоқда яшаганимдан бу жуда тўғри танланган йўл эканлигини ҳис этаман. Шунинг учун ҳам фракциямиз йиғилишида қишлоқлик тадбиркорларга бироз енгиллик беришга таклифлар айтдим. Қонунда қишлоқ тадбиркорларига берилган имтиёзларни кўриб кўнглим анча таскин топди.

— Суҳбатимиз давомида Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон тумани кенгаши томонидан бажарилаётган ибратли ишлар тўғрисида билишни истар эдик.

— Туманимиз кенгашига 3100 нафар аъзо бирлашган. Кейинги пайтда партиявий ишларни турар-жойларга, маҳаллаларга кўчиряпмиз. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузяпмиз, турли тадбирлар ўтказяпмиз.

Халқ орасида бўлиш ишимизга ривож беряпти. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрўси ошиб боряпти. Яқиндан бошлаб «Халқ иродаси» номи билан туман кенгашининг илова-ахборотномаси чиқарилишини йўлга қўйдик. Бунинг ҳисобига омма билан алоқамиз анча жонланди.

— Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Президентимиз таърифлаганидек, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Буни ҳозирданоқ тасдиқловчи мисоллар бор. Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг конвейеридан «Дамас» русумли автомобиллар чиқяпти. Автомобилсозлик бўйича кўплаб маҳаллий ёшлар хорижда малака ошириб, ҳунар ўрганиб келяптилар.

Ота-боболаримиз карвон етаклаган буюк Ипак йўли Шаҳрихондан ўтади. Ижобий илгарилашларни айтаверсам адоғи йўқ...

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози» мухбири.
Аҳмадилло СОЛИЕВ.



ТУЯМЎЙИН СУВ ОМБОРИ.

Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ИККИ ТАҚДИР

Николай Романович Косенков сингари кишилар ҳақида сўз кетганда, уларни жонли тарих, деб аташади. Гап фақат уларнинг ёшида эмас. Тўғри, бу йил август ойида Николай Романович 90 ёшга тўлади. У республикада рўй берган жуда муҳим воқеаларнинг қатнашчиси ва шоҳиди бўлган, Акмал Икромов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари: И. М. Мўминов, В. Й. Зоҳидов каби кўплаб атоқли кишиларни яхши билган. Николай Романович ўз ҳаётида учратган энг биринчи катта давлат арбоби Файзулла Хўжаев эди. Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раисини кўрган кишилар бармоқ билан санарли даражада қолган. Шу боис, Н. Р. Косенковнинг у ҳақдаги хотиралари ғоятда қадрлидир.

— Йигирманчи йилларнинг охирларида, — ҳикоя қилади Николай Романович, — Ўрта Осиё давлат университети ижтимоий фанлар факультетининг ҳуқуқ бўлимини тугатаётган эдим. Мени, диплом ишини ёзишим боис, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советига, республиканинг ўша пайтдаги пойтахти — Самарқанд шаҳрига юборишди. Ишнинг биринчи куни ҳукумат раисининг ҳузурига танишмоқ учун йўл олганимдаги ҳаяжонларим кечагидек эсимда. Унинг кабинетидаги воқеалар эса бутун умр хотирамда муҳрланиб қолган. Раис хонасига киргнимда, Файзулла Хўжаев ўрнидан турдида, столи ёнидан ўтиб, мен билан биринчи бўлиб сўрашди. Кейин, ёнига ўтқазиб, ўқишим, оилавий турмушим ҳақида узоқ сўради, ижтимоий фанлар факультетидаги ишлар билан қизиқди, диплом ишимга оид маслаҳатлар берди. Умуман олганда, у ўзини, гўё, мен унинг эски таниши эдим-у, бироқ, узоқ йиллар давомида бир-биримиз билан кўришмагандек, тутарди.

— Николай Романович, маълумки, Файзулла Хўжаев Бухорода жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Ёш бухороликлар партиясининг аъзоси, Бухоро Республикаси ҳукуматининг бошлиғи — Халқ Нозирлари Кенгашининг Раиси бўлган. Кейин эса, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети Раислигига тайинланган. Аммо, унинг мухолифларини айтмай қўя қолайлик, хатто, тарафдорлари ҳам Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиёти хусусидаги қарашларини ҳамиша ҳам қўллаб-қўлтиқлаганлар, деб бўлмайди. У бундай ҳолларга қандай муносабатда бўларди?

— Ҳа, шуни таъкидлаш керакки, республиканинг баъзи партия раҳбарлари, юмшоқ қилиб айтганда, Халқ Комиссарлари Совети Раисининг хатти-ҳаракатига тўғри баҳо бера олмасдилар. Улар Файзулла Хўжаев бир қатор масалаларни ҳал этаётганда, хато қилаяпти, деб ҳисоблашарди. Лекин, тарих вақтисоати келиб, ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Эндиликда, ким ҳақ, ким ноҳақ — ҳаммага аён. Файзулла Хўжаев ниҳоятда зиёли ва маданиятли инсон эди. Баҳс-мунозара нима билан тугашидан қатъи назар, у, сиёсий мухолифлари билан тўқнашувда, одоб доирасидан асло чиққан эмас. Буни кўп маротаба шахсан кузатганман.

— Унинг қайси ишлари сизда кўпроқ таассурот қолдирган?

— Бунга лўнда жавоб бериш қийин. Унинг таржимаи ҳоли билан танишгач, Файзулла Хўжаев феъл-атворига, ўзини тутишига, одамлар билан муомаласига нисбатан ҳайратим оша борди. У инқилобий фаолиятининг бошиданоқ, ўта қийин ва хатарли ишларда қатнашишга интилди. Жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар партиясидаги жўшқин фаолияти бунга яққол мисолдир. 1917 йил мартида Бухорода ўтказилган намойиш ташкилотчиларидан бири бўлди. Намойиш қатнашчилари матбуот эркинлигини, халқ вакилларини сайлашни ва бошқа ислоҳотларни талаб этиб чиқдилар. Намойиш бостирилгач, Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Чунки, амир уни қатл этишга ҳукм этган эди. Когонга бориб турди. Орадан сал ўтмай, Ёш бухороликлар партияси номидан амир билан музокаралар олиб бориш учун Бухорога йўл олди. У ерда музокаларнинг бошқа қатнашчилари қатори қамоққа олинди. Бахтига, инқилобий Россия қўшинлари етиб келиб, уни зиндондан озод қилдилар.

Яна бир мисол. Ўн саккизинчи йили Бухоро амирлигидаги ҳақиқий аҳволни ҳикоя қилиб бериш учун Москвага отланди. Йўлда, Оренбургда, оқгвардиячилар томонидан ушланиб, тўрт ой ҳибсда ётди. Ҳарбий дала судининг, Туркистон большевиклари билан алоқаси борлиги учун чиқарган ҳукмига мувофиқ, уни ўлим жазоси кутарди. Аммо, Файзулла Хўжаев қамоқдан қочишга муваффақ бўлади.

Унинг беғаразлиги ва таъмасизлиги ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Файзулла Хўжаевнинг отаси бадавлат савдогар бўлиб, ундан катта бойлик қолган эди. У меросининг каттагина қисмини яширин иш олиб боришга мажбур бўлган сафдошларининг сарф-харажатларини кўтаришга, оддий халқ эҳтиёжларини қондиришга баҳш этди. Бу — инсон ҳақида ғамхўрликнинг олий намуналаси эмасми?!

Мана шундай ватанпарварни қатағон қилдилар. «Халқ душмани» сифатида Файзулла Хўжаевнинг қатл этилганлиги ҳақидаги хабарни эшитганимдаги ҳолатимни сўз билан ифодалай олмайман.

... Николай Романович ҳаётининг тарихини эса, мен уни яхши билган кишилар ҳикояларидан билиб олдим. Фақат айрим воқеаларни ўзи сўзлаб берди.

1929 йилда дорилфунунни битиргач, уни, иқтидорли талабалардан бири сифатида, кафедрада ишлаш учун олиб қолишди. Орадан икки йил ўтгач, Давлат сиёсий бошқармаси — ГПУ органлари тизимига хизматга ўтишга тавсия қилишди. «Аввалига, — деб эслайди у, — мароқ билан ишлаб юрдим, Биз, асосан, турли сиёсий қарашдаги кишилар вакилларига республиканинг тараққиёт йўлларини тушунтириш, улар йўл қўяётган хатоларни исботлаш билан шуғулландик. ОГПУ — НКВД органлари фаолиятида «ежовчилик» қарор топа бошлагач, мен бу соҳадаги хизматдан, 1937 йилда, ўз аризамга биноан, кетдим. Ваҳоланки, мазкур органларда хизмат қилишни, бироз бурунроқ Ежов «мукофот», деб атаганди. Мен буни «тушунмаган» бўлиб чиқдим...

Ўша йилларда бундай қилиш учун кишида катта юрак ва фавқулодда мардлик зарур бўлган. Чунки, «халқ душманлари» қаторига кириб қолиш ҳеч гап эмас эди. Николай Романовичнинг «омади» бор экан, уни хизматдан бўшатиш, унвонини (кейинчалик генерал-майор унвонига тўғри келган даражадан катта батальон комиссари, яъни катта лейтенантликка) кичрайтириш билан чекланишди.

У, бироз давом этган ишсизликдан кейин, Тошкент Молия — иқтисод институтида (мазкур кафедрада бўлғуси академик В. Й. Зоҳидов ҳам ишларди) фалсафа кафедрасига мудирлик қила бошлади. Кейин эса, «Правда Востока» рўзномаси таҳририятида тарғибот бўлимини бошқарди. 1939 йилда уни Қизил Армия қадрлари сафига яна чақиришди. Қирқ биринчи йилда Н. Р. Косенковни, у Армияда хизмат қилсада, Ўзбекистонда фалсафа бўйича бўлажак биринчи академик И. М.Мўминовнинг номзодлик диссертацияси ҳимоясига бирдан-бир расмий оппонентликка чақиришди. Гап шундаки, у пайтларда республикада бунга ҳуқуқи бор файласуфлар деярли йўқ эди.

Николай Романович урушни Воронеж ва 1-Украина фронтларида ўтказди. Унинг қандай урушганлигини қуйидаги ҳодисадан ҳам билса бўлади. «Уруш тугай-тугай, деб турганда, мени маршал Иван Степанович Конев чақириб, Прагани портлатишдан қутқариш бўйича махсус отрядлардан бирига бошчилик қилишни топширди. Биз бу вазифани уддалай олдик». Николай Романович бу ўта мураккаб операция ҳақида ўта камтарлик билан қисқача ҳикоя қилди. Ўшандаги жасорати учун Чехословакиянинг «Офицерлик ҳарбий крести» ордени билан мукофотланди.

Н. Р. Косенков урушни полковник унвонида тугатди. Саккизта орден ва 16 та медаль билан мукофотланди. Улар орасида иккита Қизил Байроқ, иккита II даража Ватан уруши орденлари бор. Урушдан кейин ҳам узоқ йиллар Армияда, Марказий қўшинлар гуруҳида, Белоруссия ва Туркистон ҳарбий округларида хизмат қилди.

1956 йилда яна ўқитувчилик фаолиятига қайтди. Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасида, ушбу олий ўқув юрти ҳузуридаги Ижтимоий фанлар муаллимлари малакасини ошириш институтида, у ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб ишлади. Қизиғи шундаки, Николай Романович қайси факультетда — биология, математика, физика, филология факультетларида фалсафадан дарс бермасин, биологияни ҳам, математикани ҳам, физикани ҳам, филологияни ҳам қунт билан ўрганди. Фалсафага келсак, у бу соҳада республикадаги етакчи ўқитувчилардан бири, деб аллақачон тан олинган эди. Ўзбекистон файласуфларининг кўплаб авлоди уни, ҳақли равишда, фахр ила, ўз устозлари, деб ҳисоблайдилар. Унинг ҳалоллиги, камтарлигини, Николай Романовични унча ёқтирмайдиган кишилар ҳам, тан олишади. Н. Р. Косенков, 1992 йилдагина, 86 ёшида фаол меҳнатни тарк этди. Бироқ, қалам билан китобни ҳануз тарк этмаган.

Николай Романович Ўзбекистон ХДПнинг, у асос солинган дастлабки кунлариданоқ, фаол аъзосидир. И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбариятининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотчилик йўлини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тез-тез, бошланғич партия ташкилотларига бориб, фахр ила, ўз маърузалари билан кўпчиликни мамнун этади.

Юқорида тилга олинган икки инсон тақдири, бир қарашда, бир-бирига асло ўхшамайди Менимча, Файзулла Хўжаев ва Н. Р. Косенковларнинг ҳаёт йўллари турлича бўлсада, бироқ уларда ҳаётга, Ватанга, одамларга муносабатда жуда кўп ўхшашликлар бор.

С. ГАПИЧ.

Иқтисодиёт олами

САМАРҚАНДДА СИГАРЕТА ФАБРИКАСИ

Узбекистон-Британия (УзБАТ) қўшма корхонаси ўз сармояларини эзгу ишларга жалб этаётир. Яқинда Самарқанддаги Фарҳод қўрғонида сигарета фабрикаси пойдеворига дастлабки ғишт қўйилди. Ана шу муносабат билан бўлган тадбирда «БАТ индастриз» корпорацияси аъзоси, «Бритш Американ тобака» раиси Ульрих Хертер тўпланганлар ҳузурида қўшма корхона режалари хусусида гапирди. Дарвоқе, ушбу фабрика келгуси йилнинг охирида дастлабки маҳсулотини чиқаради. Насиб этса Самарқанд сигаретаси дунёнинг бошқа йирик мамлакатларига ҳам экспорт қилинади.

Янги корхона қурилиши бошланишига бағишланган анжуманда Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. А. Чжен, Самарқанд вилоят ҳокими А. Мардиев иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МИРОБ — СУВ ЗАРГАРИ

Баҳодир Тожиев сув хўжалигининг етакчи мутахассисларидан бири. У раҳбарлик қилаётган Шовот тумани сув хўжалиги бирлашмаси қисқа вақтда қувончли ютуқларни қўлга киритди.

Ўтган йил таъмирталаб 679 та гидроиншоот тузатилди. Булар сув иншоотларининг 48 фоизини ташкил этади. 110 километр заҳкаш чуқур қазилиб, атрофдаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Сув хўжалиги бирлашмасининг вазифаси фақат сувни тақсимлаб беришдан иборат эмас. Мақсад уни жамоа хўжаликларига хизмат қила оладиган механизациялашган кучли ишлаб чиқариш бирлашмаси даражасига кўтариш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, сув таъминотини эса бир маромга солишдан иборатдир.

М. ФАРҲОДОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

ИСЛОМ МАЪНАВИЯТИ СОҲИБИ

Президентимиз Тошкентда бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалининг очилишга бағишланган тантанада сўзлаган нутқида фахр билан «Амир Темур ёшлик чоғидан ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Имон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди» деган адолатли фикрни билдирган эдилар. Агар шу ҳақиқат мезонига ва кўплаб ёзма манбаларга, соҳибқироннинг бутун ижтимоий фаолиятига асосланиб мушоҳада қилсак, соҳибқирон Амир Темур улуғлигининг асосида унинг маънавий сифатлари туради. Чунки фақат юксак маънавиятли инсонларгина умумхалқ манфаатларини кўзлаб давлат, жамият аҳамиятига молик йирик тадбирларни амалга оширишга қодир бўладилар. Амир Темур ана шундай шарқона, исломий ақл-заковатли, маънавиятли инсон бўлган. Айниқса маънавиятининг уммонийлиги, тиниқлиги, кучи, қудрати — дунёвий ва исломий қадриятлар қоришмасида мужассамлашганлиги муҳимдир.

Амир Темур маънавиятининг исломий асослари ҚуръониКарим, ҳадиси шариф, шунингдек тавҳид, тафсир, фиқҳ, тасаввуф илмлари мазмунида, Аллоҳга, Расуллуллоҳга, мажозий ва ҳаётий пирларига ихлоси, эътиқоди негизида шаклланди, қарор топди. У Нақшбандия таълимоти талаблари асосида янада мустаҳкамланди, ҳаётий мазмун олди. Шунинг учун ҳам ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида ислом динига эътиқод қилди, унинг барча фарз ва суннат рукнларини тақводорлик билан бажарди. Ислом раҳнамоларига, саййидларга, хўжалар, шайхлар ва бошқаларга самимий муносабатда бўлди. Мустақил Туркистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда Қуръон, ҳадис, шариат талабларига қатъий роия этиб, зинҳор уларга зид иш қилмади.

Ул зотга замондош бўлган тарихчилар Низомудин Шомий, Шарофуддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»сида, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» асарида, «Темур тузуклари», академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» йилномаси ва бошқа ўнлаб ёзма манбаларда асосли зикр этилган ахлоқий сифатлари исломий маданият, маънавият билан йўғрилганлиги фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Мазкур манбаларда бобокалонимизнинг ислом байроғини баланд кўтариб, кишиларни имонли бўлишга чақириш, ўзини Аллоҳнинг итоаткор бандаси деб билиб, пайғамбарларга ҳар доим ҳурмат бажо келтириш, диний масалаларни сиёсий, иқтисодий масалалардан олдин ҳал қилиш, камбағалларга ҳар куни хайр-эҳсон тарқатиш каби кўплаб маънавий сифатлари баён қилинган.

Амир Темур маънавиятининг исломий асослари ҳали ёшлик йилларида, мустақил давлатга эга бўлгунга қадар шаклланиб, қарор топган эди. Бунинг учун бир қанча қулай омиллар мавжуд эди: биринчидан, жуда катта ижтимоий имкониятларга эга бўлган Амир Тарагай ўзининг яккаю-ягона фарзанди тақдирига бефарқ бўлмади. Темурбек дастлаб волидаи муҳтарамаси Тегина Бегимнинг, сўнгра бобоси Ҳожи Баҳриддин Баҳодирнинг ҳимоясида бўлди. Ислом раҳнамоларидан Ҳожи Баҳриддин Ҳаким ат-Термизий, Ҳожи Ҳусайн, Ҳожи Ҳасан, Ҳожи Ҳаким, Ҳожи Ҳаким ат-Термизий, Ҳожи Ҳаким ат-Термизий, Ҳожи Ҳаким ат-Термизий

ДУНЁ Воқеалари

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЧАРХПАЛАК

МУЗОКАРАЛАР ЯКУНЛАНДИ

• АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг Токиода бўлиб ўтган музокаралари якунида Осиё-Тинч уммони ҳудудида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун 100 минг кишилик АҚШ ҳарбий қисмларини Япония ҳудудида сақлаш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланишига Осиё ва Тинч уммони ҳудудидаги вазиятнинг тўла барқарор эмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Жанубий Корея билан Шимолий Корея ўртасидаги вазиятнинг кескинлашуви ҳам бунга мисол бўла олади, дейилади шу мавзудаги хабарда.

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ҲУЖУМИ

• Ҳиндистонда ҳаракат қилаётган «Халқ уруши армияси» террорчилари Андхра-Прадеш штатидаги иккита темир йўл бекатини портлатди. Натижада поездлар қатнови бир неча соат тўхтаб қолди. Шу куни улар мазкур штатдаги Телугу Десам партиясининг Низомобод шаҳри ташкилоти қароргоҳига ҳам ҳужум қилиб, унинг фаолларини ўққа тутган. Годавари округида эса террорчилар полиция бўлими биносига ҳужум қилиб, бир қанча ўт очиш қуролларини олиб кетишган.

Айни пайтда террорчиларнинг янги қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат хавфсизлик кучлари жанговар ҳолатга келтирилди.

ИСЁНЧИЛАРГА СИЁСИЙ БОШПАНА БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

• Гондурас Президенти Карлос Роберто Рейна 1991 йилда Гаити Президенти Жан-Бертран Аристид ҳукуматини ағдариб ташлашда иштирок этган бир гуруҳ исёнчиларга сиёсий бошпана беришини маълум қилди. 1994 йилда улар Доминикан Республикасида яширинган эди. Айни пайтда улардан беш нафари Доминикан ҳукумати томонидан ҳибсга олинган. Улар орасида ҳарбий тўнтаришдан кейин тузилган ҳукуматнинг юқори лавозимларида ишлаган кишилар ҳам бор. Исёнчилар Гондурас ҳукуматидан сиёсий бошпана сўрашган эди.

ТЎҚНАШУВ ЮЗ БЕРДИ

• Деҳли университетида талабалар билан полициячилар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 30 нафарга яқин киши жароҳатланди. Полиция вакилининг маълум қилишича, талабалар ўқув даргоҳи маъмурияти факультетларининг бирида ўқитиш тизимига ўзгартиш киритгани учун норозилик билдирган ва кўчага чиқиб тўс-тўполон уюштирган. Уларни тинчлантириш учун полициячилар куч ишлатишга мажбур бўлди.

ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР СЕЗИЛМОҚДА

• Татаристон иқтисодиётида ўзгариш юз бермоқда. Республика статистика қўмитасининг маълумотига кўра, йил бошидан буён маҳсулот ишлаб чиқариш 3,2 фоизга ошди. Ўсиш айниқса, нефть қазиб олиш, нефткимё ва энергетика соҳаларида сезилмоқда. Президент Минтимер Шаймиевнинг таъкидлашича, агар жорий йилнинг ярмигача ишлаб чиқаришнинг ўсиши 5 фоизга етказилса, йилнинг охирига келиб аҳоли турмуш даражасининг пасайиши тўхтайди.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

Тайван билан Хитой ўртасида юзага келган кескинликни бартараф этишнинг энг ишончли йўли тинчлик шартномасини имзолашдир, деди Тайван Президенти Ли Динхуэй Японияда чиқадиган «Санкэй симбун» газетаси мухбири билан суҳбатда. Бироқ, у шахсан Хитой раҳбари билан учрашишга ҳали эрта эканини, учрашувгача бироз вақт ўтиши кераклигини айтди.

***

• Ливанда фаолият кўрсатаётган «Ҳезбиоллоҳ» ислом қаршилик ҳаракати Исроилнинг шимолий ҳудудини куни-кеча яна ракеталардан ўққа тутди. Исроил ҳарбий вакилларининг маълум қилишича, ракеталар ҳужуми вақтида ҳеч ким ҳалок бўлмаган. «Ҳезбиоллоҳ» жангчилари шу куни Исроил ҳудудига қарата 40 тага яқин ракета отган. Ўз навбатида Исроил ҳарбий самолёт ва вертолётлари Ливаннинг жанубий қисмига бир неча маротаба ҳужум уюштирди.

Бир ҳафта мобайнида Ливан тарафидан 38 киши ҳалок бўлди, Исроил томонидан эса 47 киши жароҳатланди.

***

• АҚШнинг Покистонга 368 миллион долларлик қурол-яроғ етказиб бериши Жанубий Осиёда қуролланиш пойгасини бошлаб беради ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф туғдиради, деди Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержи. Унинг таъкидлашича, Покистон аввал ҳам АҚШдан кўплаб қурол-яроғ сотиб олган ва улардан Ҳиндистонга қарши фойдаланган. Айни пайтда эса мазкур давлат ўз ядро қуролига эга бўлиш дастурини амалга оширмоқда.

***

• Афғонистон Олий суди Бурҳониддин Раббонийнинг Президентлик ваколатини қонуний деб эълон қилди. Суд ҳайъатининг таъкидлашича, Бурҳониддин Раббоний 1993 йил халқ вакиллари йиғилишида мамлакат Президенти этиб сайланган эди. Афғонистоннинг олий ҳуқуқий органи бир гуруҳ диндорлар томонидан «Толибон» ҳаракатининг йўлбошчиси мулла Муҳаммад Умарнинг мамлакат раҳбари этиб эълон қилинишини кескин қоралади. Мамлакатдаги бошқа сиёсатчилар ҳам диндорлар қабул қилган ушбу қарорнинг қонуний эмаслигини таъкидлашмоқда.

Журналнинг янги сонида

«МУЛОҚОТ»



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали «Мулоқот»нинг 2-сони босмадан чиқди. У «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остида «Юрт тимсоли» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Унда анъаналаримиз, миллий хусусиятларимизга кўра аҳамияти жиҳатидан маънавият даражасига кўтарилган бош маҳсулот — дон масаласи хусусида эътиборли мулоҳазалар билдирилади. Ғуломхон Ғафуровнинг «Раҳбарнинг обрўси» мақоласида ушбу мавзунинг азалий қадриятларимизга боғлиқ жиҳатлари хусусида сўз юритилади.

«Ҳозирги буюк жараёнда бизларга қанчалар моҳир ва истеъдодли қаламкашлар керак» — бу сатрлар ўзининг бутун ҳаётини матбуот ишига бағишлаган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Қалам қиличдан ўткир» сарлавҳали мақоласидан олинди. Унда тажрибали ёзувчи матбуотчилар олдидаги вазифалар ҳақида тўхталади. Яна бир отахон журналист Мақсуд Қориевнинг «Яйраб ишлайдиган вақт келди» мақоласида истиқлол шарофати берган имкониятлар ҳақида ёзилади.

Журнал ўзининг илк сонидан маънавият масалаларига кенг ўрин ажратиб келмоқда. Ортиқ Вафоевнинг «Маънавият — тараққиёт омили» деб аталган мақоласи инсон ҳаётининг мазмуни — эътиқод ҳақида. «Эътиқодли одамлар, — деб ёзади муаллиф, — она - Ватанига, миллатига, истиқлол туғига, ўз аждодлари руҳига ҳеч вақт хиёнат қилмайдилар. Эътиқодли кишилар ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда ва вазиятда ўз иймонига содиқ бўлиб қоладилар».

Ушбу сон айни юртимизда Наврўз барг ёзган кунларда чиқди, шу боис адабиётшунос олим Тўра Мирзаевнинг «Наврўз куни қари-ёш қучоқлашиб кўришсин» публицистик мақоласи, шоир Маъруф Жалилнинг «Баҳор келди» шеъри муштарий кўнглига эзгу туйғуларни ошно қилади. «Партия ҳаёти» рукни остида Тошкент тракторсозлик заводи ХДП бошланғич ташкилотининг котибаси Н. Липоткина чиқиш қилган.

Шунингдек, бу сонда Ҳикмат Собировнинг «Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари», Омонилло Бўриевнинг «Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий», Абдулҳаким Шарўий Жузжонийнинг «Мусулмон ҳуқуқида халифалик ва имомлик муаммолари» ва бошқа қизиқарли мақолалар берилган. Юртимиз тарихи билан қизиқувчилар Аҳмадали Асқаров ва Боқижон Матбобоевнинг «Қадимги Фарғона — Довон давлати» мақоласидан қизиқарли маълумотларни билиб олишлари мумкин. Шунингдек, адабиётимиз тарихига оид қатор мақолалар ҳам муштарийда қизиқиш уйғотади. Омон Мухторнинг бир туркум шеърлари шоирнинг қалб қатидан сизиб чиққан туйғуларни ифодалаган. Ҳар доимгидек, «Мулоқот» дафинаси» мақолалари,, муборак ҳодисалар руҳингизни поклайди.

Ҳаётий саҳифалар

ҲОФИЗИ ЗАМОНЛАР

Одамларни асранг, авайланг азизлар, кейин уларни қидирсангиз ҳам топа олмайсиз. «Ҳаёт чоғида суратга олиб қўймаган эканмиз», деб пушаймон чекиб юрманг. Менда отамнинг бирорта ҳам суратлари йўқ. Фақат ул зотнинг нурли сиймолари ҳамон кўз ўнгимда. Қани энди шундай бир расм оладиган аппарат бўлсаки, хаёлимда гоҳо-гоҳо кўриниб қоладиган отамнинг қиёфаларини суратга тушириб берса...

Ҳаётим саҳифаларидаги бир воқеа ҳамон кўз олдимда. Мен ўша кезлари «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлардим. Наврўз айёмида уйимга ҳурматли меҳмонлар келадиган бўлиб қолди. Шунда қадрдоним, атоқли бастакор Ғанижон Тошматовга: «Хонадонимга ҳамкасб дўстларим ташриф этишади. Иложи бўлса Жўрахон ака билан Маъмуржон акани олиб келсангиз», дедим.

Тўғрисини айтсам халқимизнинг ажойиб ҳофизларига эътиқодим, ҳурматим беқиёс эди.

— Нимасини айтасиз, ўзлари ҳам шу кунларда руҳан эзилиб юришибди. Сизникига жон-жон деб келишади, — деди у киши.

Ғанижон Тошматовнинг гапида жон бор эди. Сабабки, ўша кезлари Жўрахон Султонов билан Маъмуржон Узоқов ҳақида матбуотда бир нохуш танқидий мақола босилиб чиққанди. Ёдимда, ҳофизлар Эски шаҳардаги Сулаймонбой деганнинг тўйига бориб, тонг отаргача хизмат қилишган. Фельетон шу ҳақда эди.

Ўшанда коммунистик ғоялар эрк ва маънавиятни бўғиб, одамларнинг юриш-туришида, тўй ёки бирор маросим ўтказишида ҳам ҳаловат йўқолган, бирорта яқининг вафот этса, Қуръон тиловат қилишга ҳам қўрқиб турардинг. Тўй ўтказиб, тантана қилсанг ҳам, қанақа қилиб бунақа катта тўй ўтказди, деб сўроққа тутишарди. Халқ ҳофизлари ҳам ана шундай тўйга борганлари учунгина таъқибга тушиб қолган эдилар.

Хуллас, келишилган кунда Ғанижон Тошматов билан бирга Жўрахон ва Маъмуржон акалар уйга ташриф буюришди.

Ҳеч унутилмас дақиқалар... Халқимиз севиб, ардоқлаган бу ажойиб санъат соҳиблари хонадонимизга файз киритиб юборишди. Уларнинг ҳар бири гўё бир дунё, юзларидан нур ёғилиб тургандай.

— Қани энди, Ғанижон ака, бир эшитайлик!

У киши ғижжакни созлай бошлади. Сеҳрли куй юракни қитиқлайди. Ғанижон Тошматовнинг ғижжак тароналари, ичакузди аскияларини, унутиб бўладими?

Қўшиқ бошланди:

Улкун жонон азми диёр айлади,
Абр ичинда ойни пинҳон айлади...

Шоир Муқимий ғазалига айтилган бу қўшиқ фақат шу ҳофизлар томонидан қиёмига етказиб ижро этилганлигининг гувоҳимиз. Жўрахон Султоновнинг ширали, юракларга малҳамдек ёқувчи, дилга ором берувчи овози-чи? Тенги йўқ ҳофизи замон Маъмуржон Узоқовнинг тиниқ, жозибали, ўтли нафаси кўнгилларга эзгулик бахш этарди. Икки ҳофиз икки дилнинг ширин нафасидек кўнгилдан кўнгилга йўл топиб, қадим-қадим кўшиқларимизга яна ҳам янги маъно, жўшқинлик, жон киритгандек.

Биз ўша кун дилрабо қўшиқлар меҳмони бўлдик. Куйлар куйларга уланар, ҳофизлар дилдан хониш қиларди. Унга ихлосманд, эътиқодли тингловчилар, қўшиқ шайдолари ҳам жамулжам эди.

— Ўша мақоладан кейин радиода ҳам, концертларда ҳам кўринмай қолдилар, — деб қолди Ғанижон Тошматов куйиниб.

Севимли ҳофизлар, ҳақиқатан ҳам, ўша дамларда даврнинг аянчли тўғаноқлари билан чекланиб қўйилди. Меҳмонлар даврасида худди шу ҳақда сўз кетди.

Кечаси мен Ғанижон Тошматовга телефон қилиб: «Жўрахон акага айтиб қўйинг, тонгги концертда ҳофизларнинг чиқиши бўлади» дедим.

Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни тонгда Жўрахон ва Маъмуржон акаларнинг дил наволари радио тўлқинларида янгради. Дилрабо қўшиқлари қанот боғлаб, эллардан-элларга, дилларгаларга парвоз этди. Шундан сўнг халқимизнинг севимли хонандаларига яна кенг йўл очилди.

Мана, шундан бери қанча йиллар ўтиб кетибди. Дилимизга яқин ўтли қўшиқларнинг соҳиблари ҳофизи замонлар раҳматли бўлиб, оламдан кўз юмдилар. Аммо улар хониш айлаган қадим қўшиқларни радиодан эшитиб қолсак юрагимиз жимиллаб кетади. Афсуски, Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар ижро этган қўшиқлар оҳанрабо тасмасига жуда кам ёзиб олинган. Телеэкранда эса кўринмайди. Улар айтган қўшиқлар кўп эди. Эрталабки мўътабар тўй ошларида, базмларда, концерт залларида Навоий, Фузулий, Огаҳий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Нодирабегимларнинг ғазалларини моҳирона ижро этганларининг гувоҳимиз.

Ҳа, ноёб истеъдодларни эъзозлаш, қадрлаш зарур. Ҳозирги кунда барҳаёт бўлган халқимизнинг ноёб овоз соҳибларини радио, телевиденияга кўпроқ ёзиб, авлодларга мерос этиб қолдирмоқ ҳайрли, савобли ишдир.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Воқеа арафасида

ПАРИЖДА АМИР ТЕМУР ТЎЙИ

1992 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган эди. Икки томонлама муносабатларнинг муваффақиятли ривожланишида Ўзбекистон Президентининг 1993 йил октябрь ойида Францияга ҳамда Франция Президентининг 1994 йил апрель ойида Ўзбекистонга олий даражадаги расмий сафарлари муҳим ўрин тутади. Иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳукуматлараро комиссия, ўзбек-француз иқтисодий гуруҳи, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик, Франция Миллий Кенгаши ва Сенатида «Франция — Ўзбекистон» депутатлар гуруҳи фаолияти, фан ва маданият ишлари бўйича ҳамкорлик шулар жумласидандир. Ўзбекистон Президентининг Францияга навбатдаги ташрифидан мақсад ҳамдўст мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича музокаралар олиб бориш, шунингдек, ЮНЕСКО томонидан Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйини нишонлаш бўйича Парижда ўтказиладиган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи» ҳафталигида иштирок этишдан иборат.

Республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири А. ҒУЛОМОВ Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Акмал САИДОВ билан суҳбатлашиб, ташриф доирасида ўтадиган ҳафталик тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Инсоният тарихида кўплаб машҳур шахслар ўтган. Бу кишиларнинг одатдан ташқари ҳаёти, турмуш тарзи, фаолиятлари ҳозиргача ҳам олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шундай шахслар орасида Амир Темур алоҳида ўрин тутади — деди А. Саидов. — Амир Темур жаҳон тарихида улкан салтанатнинг асосчиси деб тан олинган. Искандар Зулқарнайн, Ганнибал, Атилла, Чингизхон, Наполеон сингари машҳур саркардалар қаторида улуг бобомизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоир ва мусиқачиларнинг раҳнамоси бўлган. Ғарбда бу давр темурийлар ренессанси деб аталди. Бу вақтда Ўрта Осиёда фан, маданият, санъат анча ривожланди ҳамда олимлар, файласуфлар ва санъаткорларнинг катта бир авлоди вужудга келишига сабаб бўлди.

Амир Темур ва умуман темурийлар даврини тадқиқ қилувчи манбалар ниҳоятда кўп. Илмий, тарихий, бадиий асарлар билан бир қаторда афсоналар ҳам қолган. Ана шу манбаларни ўрганиш натижасида жаҳон шарқшунослиги фанида темиршунослик деб аталувчи илмий йўналиш вужудга келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича бош идораси (ЮНЕСКО) Узбекистон маданияти, фани тарихини ўрганиш юзасидан жиддий амалий ишларни амалга оширмоқда. Халқаро миқёсда Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Амир Темур сингари даҳоларнинг юбилей саналарини нишонлашга бош-қош бўлиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Француз тадқиқотчилари ҳам кўп асрлардан бери бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, авлодларимиз меросини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб боришган ва бугунги кунда ҳам бу ишларни тўхтатишмаган. Айниқса, Амир Темур билан боғлиқ илмий изланишларда француз тадқиқотчиларига тенг келадигани кам топилади. Шу мақсадда Парижда фаолият курсатаётган «Темурийлар» жамиятининг хайрли ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор чиқарган эди. Шунга биноан 22-27 апрель кунлари Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзуида ҳафталик бўлиб ўтади. Бу ҳафталик доирасида узбек, француз, инглиз олимлари иштирокида илмий анжуман иш олиб боради. Унда 15 га яқин маърузалар ўқилиши, илмий мунозаралар олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Жаҳонга машҳур «ОДИОН» театрида узбек ва француз санъаткорлари иштирокида узбек мусиқаси ва шеърияти кечаси (Ражиссёр Б. Йулдошев) бўлиб ўтади. Бу кечада узбек санъат ихлосмандлари яхши таниш булган Француа Шатто иштирок этади.

Бу француз актёри бундан уч йил олдин А. Ҳидоятов номли театрда Алишер Навоий асари асосида саҳналаштирилган «Искандар» спектаклида бош ролни ўйнаган эди.

Шунингдек, ҳафталик давомида Темурийлар давридан сақланиб қолган тарихий буюмлар, амалий санъат, фото ва тасвирий санъат намуналаридан иборат кўргазма ҳам фаолият кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда нишонланиши Темурийлар ренессансининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига берилган юксак баҳодир.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 22

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон телевидениесининг барча каналларида профилактика ўтказилиши сабабли, душанба 22 апрель куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 17.55 дан бошлаб намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Миллат». «Кўзгудаги ҳақиқат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 2. «Миллат». «Уни ким уйготади?». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.55 «Сен баҳорни соғинмадингми?». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Буронов куйлайди.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт-қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Армудлар». Телефильм.

*
Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.

*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.20
*
22.20 «Чўл тимсохи», «Байрамали». Телефильмлар.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Футбол. Узбекистон чемпионати.
19.40 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Дунё эшиги». Бевосита мулоқот.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинематограф».
22.10 «Тиббиёт ҳамма учун».
22.45 «5+1».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Юсуф Розиқов. «Домла». Қуп қисмли видеофильм. 8-серия.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тадбиркорлар ҳаётидан лавҳалар.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Узбекистон тарихи.
11.00 Немис тили.

*
11.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Элизабет Тэйлор.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Улғайиш погоналари». Тележурнал.
18.35 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.05 «Фан фидойилари». Юридик фанлари доктори, профессор Икром Зокиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Автоолам». Телелавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
21.55 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
22.45 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Теннис-клуб».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт-қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қўқон ёдгорликлари». Телефильм.

*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу ажиб дунё».
21.55 «Райҳон Қосимова рақсга тушади». Фильм-концерт.
22.15 «Палиостоми қули». Телефильм.

*
Россия давлат телевидениеси
22.25 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Уй остонадан бошланади».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Узбекистон компьютери: бугуни ва келажаги».
22.40 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

ХАЛҚАРО ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИ

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

*
8.30 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
9.20 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маърифат маскани». Ёшларнинг тафаккур дунёси.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Адабиёт.

*
12.00 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 «Ассалом, япон тили!».
13.15 «Мен ёшликман...». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.50 Спорт хабарномаси.
19.00 «Ёшлар ва замон». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
22.15 «Бустон». Телевизион журнал.
23.15 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Мусаввир нигоҳи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Бугуннинг гаплари». Мусиқий-публицистик дастур.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт-қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор». Телефильм.

*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Севишганлар». Бадиий фильм.

*
Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Рақслар қанотида». Хитой рақс санъати.
19.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 «Тошкент оқшомида».
21.20 «Ер» сайёраси.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
9.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Телеҳикоя.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Узбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Хоразм ҳалфалари». Мусиқий дастур.
12.00 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
12.30 Кураш. Осиё чемпионати.
13.00 Диққат, премьера: «Истеъдод. Розия Абдуҳаирова». «Узбектелефильм». Фильм-концерт.
13.30 «Тафаккур». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Узбекистон чемпионати.
17.50 «Ўйинқаро болалар». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон болаликдан бошланади». Узбекистон телевидениеси ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг биргаликдаги рейди.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Марказий Осиё: тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида.
22.35 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.15 Спорт дастури: 1. Футбол бўйича Узбекистон чемпионати. 2. Теннис-клуб.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт-қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.

(Давоми 4-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган номларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.



1. Таниқли команда. 2. Мамлакатимизда бўлиб, республикамиз футболи истиқболига ўз баҳосини берган халқаро футбол уюшмаси раҳбари. 3. Мустақил республикамиз кубогининг икки бор совриндори бўлган команда. 4. Тошкентдаги футбол базаларидан бири. 5. Ўзбекистон футболчилари илк бор қатнашган аёллар X Осиё чемпионати бўлиб ўтган мамлакат. 6. Футбол ривож топаётган водий. 7. Биринчи табақа вакилларидан бири. 8. Осиё чемпионатининг энг моҳир ҳужумчиси совринига сазовор бўлган футболчи. 9. Таниқли футбол мураббийларидан бири. 10. Халқаро биринчилик совриндори, моҳир ярим ҳимоячи, хизмат кўрсатган спортчи. 11. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, моҳир тўпурар, футбол фахрийси. 12. Ўзбекистонда илк бор халқаро учрашув ўтказган Африка мамлакати. 13. Пойтахтимизнинг ёш жамоаларидан бири. 14. Миллий олимпия командасига мураббий бўлганлардан бири. 15. Осиё ўйинлари совриндори, қанот ҳужумчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи. 16. Бу йил Осиё кубоги ўйинларида Ўзбекистон командаси билан учрашиши лозим бўлган мамлакат. 17. Ўзбекистонлик халқаро футбол ҳакамларидан бири. 18. «Пахтакор»нинг ёш иқтидорли ҳужумчиси. 19. Хоразм вилоятида моҳир футболчи совринига сазовор бўлган ўйинчи. 20. «Суғдиёна» командасининг ўйинчи мураббийси.

ЙИЛНОМА

Қуйида таърифланган саналар Ўзбекистон футболи тарихига оид. Жавоблар шаклдаги ҳарфли хонадан ёйлар бўйича марказ томон ёзилади.

Ў. Мустақил республикамизнинг миллий чемпионати илк бор ўтказилган йил.

З. Мамлакатимиз ҳукуматининг футболни ривожлантиришга оид қарори қабул қилинган сана.

Б. Ўзбекистонда биринчи футбол клуби расмий равишда қайд этилган йил.

Е. Туркистон ўлкасида биринчи маротаба чемпионат ўтказилган сана.

К. Наманганда дастлабки команда ташкил этилган йил.

И. Илк бор чемпионат ва Тошкент терма командаси ғолиб бўлган сана.

С. Пойтахтимиз ўсмирлар терма жамоаси мамлакат биринчилигида биринчи бор иштирок этган йил.

Т. Республикамизда энг катта футбол иншооти қуриб битказилган йил.

О. «Пахтакор» собиқ Иттифоқ чемпионатида энг юқори поғонага эришган йилларидан бири.

Н. Моҳир футболчи Миржалол Қосимов таваллуд топган йил.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА ЧАПГА

Ў. Моҳир ўйинчилар М. Ан, В. Фёдоров, В. Хадзипанагис кабилар энг яхши футболчилар таркибига кирган сана.

З. «Ўзбекистон футболи» газетаси нашр этила бошланган йил.

Б. XII Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ғалаба қучган сана.

Е. Самарқандда командалар тузилган сана.

К. Тошкентда биринчи ўйингоҳ қурилган йил.

И. Туркистон биринчилиги ўтказила бошлаган сана.

С. Собиқ Иттифоқ спартакиадасида қатнашган республикамиз терма жамоасининг таркиб топтирилган санаси.

Т. Илк бор Ўзбекистон кубоги ўйинлари ўтказилган йил.

О. Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари ўртасида биринчи учрашув санаси.

Н. «Пахтакор» командаси машҳур «Насьональ» (Монтеведо, Уругвай) командаси билан учрашиб, ғалаба қозонган сана.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

УН ва ДОН

ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фабрикалар диққатига:

* Мини лаборатор тегирмонлар;
* Ун ва дон маҳсулотлари намлигини аниқловчи жиҳозлар;
* Ун тегирмонлари учун вальцлар;
— БЗН (1000x250)
— БВ (1000x250)
— БВ (800x250)
* Полипропилен қоплар (50-15 кг сиғимли)

СОТИЛАДИ



FIRMA DEMIR

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26

Тел: 33-06-00, 33-81-48, 56-07-59, 56-12-98, 56-57-04, 41-87-73, 30-76-31, 30-40-42.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

17.55 Эълонлар.
18.00 «Батабат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Улоқ», «Сеҳрли йилқи». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Спорт янгиликларининг эстафетаси.
22.50 — 22.55 Эълонлар.
IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Иштирок этувчилар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Қуркам Сакура».
20.55 «Каталог».
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Компьютер-ревю».
22.00 «Бу бустон аро...».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Туризм-ревю».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.50 «Оловдан эҳтиёт бўл, болажон!»
9.10 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Ислоҳот ва масъулият». Изланишлар самараси.
11.05 «Истеъдодлар байрами». Иқтидорли ўқувчиларнинг V Республика слёти.
11.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тошкент». Манзарали фильм.
12.10 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.00 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Публицистик кўрсатув.
18.40 «Бозор ва мулкдор».
19.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Баҳор наволари». Мусиқий дастур.
21.35 «Ишингиз бароридан келсин!».
22.25 Олтин мерос. «Санъатим — халқим учун». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.50 «Бешинчи рукн». Маърифий-ҳужжатли фильм.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Муаллиф».
18.50 «Юлдузлар».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.50 «Унутилган қушиқ», «Балкон». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.20
*
22.20 «Умр — оқар дарё...». Ҳужжатли фильм. Ботир Зокиров хотирасига бағишланади.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.20 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Сени севаман, Тошкент!».
20.30 «Оқшом учрашувлари». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллигига.
21.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.45 «Бизнес-академия».
22.10 «Тошкентнома».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Ҳайдар Муҳаммад.
9.15 «Оламни асранг!». Мусаффо ҳаво учун.
9.45 «Театр учрашувлари». А. Мажидий номидаги Каттақўрғон театри ҳақида.
10.30 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув.
11.20 Болалар учун. «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз». Телетанлов.
12.10 «Томошабин мактублари».
12.40 «Нури иймоним». Носир Алимаҳсумов қуйлайди.
13.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Еттига — етти». Телебеллашув.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Эъзоз». Телеочерк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9-серия.
21.30 Мустафо Бафоев, Абдулла Орипов. «Ҳажнома». Ораторий.
22.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сири».
10.55 «Сизнинг услуб».
11.10 «Автосалон».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 — 14.50 «Спорт-қитъаси».
* * *
18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».
III
17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.45 — 20.40
*
20.40 «Жонли сайёра».
21.00 «Ҳаммаси Битлз ҳақида». Мусиқий фильм. I-қисм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.05 «Қирдаги суворийлар». Бадиий фильм.
IV
10.00 «Азиз». Болалар учун фильм.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Дўстлик сарҳад билмайди».
11.50 «Айчурек» (қирғиз тилида).
12.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
13.05 — 13.45 «Ирэндек» (бошқирд тилида).
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 Монитор-«Осиё».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Британия кундалиги».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 28

ИЙД ҚУРБОН МУБОРАК!

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9-серия.
11.30 «Шохрўҳ» клуби.
12.00 «Хотира». Тарихчи олим Алимардон Абдулҳамидов.
12.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.10 — 15.40 «Нурли келажак». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.20 «Шукрона».
18.45 «Ойнаи жаҳонда...».
19.05 «Ҳар зарбидан бир қушиқ сизиб чиққан доирам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табаррук қадамжолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маърифатнома». Ийд Қурбон муборак!
21.45 Мумтоз қуйлардан концерт.
22.25 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 10-серия.
22.55 «Савоб билан бутундир дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Теннис-клуб».
II
9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Оҳанглар оғушида».
9.35 «RAKS» тақдим этади.
10.05 «Ривоят».
10.15 «Мафтункор чеҳралар».
10.35 «Таманно».
10.45 «Олам».
11.25 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.20 «Мактуб».
12.30 «Имкон чўққилари».
12.50 «Кўнгил».
13.20 Видео янгиликлари.
13.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.20 — 16.00 Видео — «О».
* * *
17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.45 Эълонлар.
17.50 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шаҳс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Фармед».
21.50 «Оҳанглар оғушида».
21.55 «Даракчи».
22.05 «Келгуси ҳафтада».
22.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.25 Видео — «О».
III
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.05 — 21.50
*
21.50 «Ҳаммаси Битлз ҳақида». Мусиқий фильм. 2-қисм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Панорама».
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.40 «Менинг кўчам...».
12.55 «Жонли сайёра».
13.15 — 13.55 «Чинсэн».
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
19.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Эсдалик учун дастхат».
20.50 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.10 «Миср: кеча ва бугун». 7-кўрсатув.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Сахий хонадонда».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

АҲОЛИ ВА КОРХОНАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Шу кунларда Республикамизнинг барча алоқа бўлимларида Ўзбекистон Ресубликаси ҳамда хорижий мамлакатлар даврий нашрларига 1996 йилнинг иккинчи ярмига обуна қабул қилиш давом этмоқда.

Кундалик воқеалардан хабардор бўлишни истасангиз тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

Нашрларни обуна йўли орқали олиш ҳам вақтингизни, ҳам хамёнингизни тежайди.

Маълумот учун телефонлар: 34-83-87, 33-67-71.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ ТАРҚАТИШ МАРКАЗИ.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» *қўшма корхонаси* тегирмон вальцларини ва 50 кг., 15 кг ун қопларини **СОТАДИ.** Тўлов шакли пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича. *Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат жамоаси концерн Бош таҳририятининг бош рассоми Муззаффар Аъламовга ҳамда концерн хизматчилари Ҳасан ва Ҳусан Аъламовларга падари бузрукворлари **Муриддин АЪЛАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.